

МУНДАРИЖА:

- Кириш
- Автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва тасарруф этиш соҳасидаги мавжуд вазият
- Йўл қурилиш соҳасида хусусий секторнинг иштироки
- Хулоса ва таклифлар

Мазкур таҳлилий тавсиянома Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг (БМТТД) Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан чоп этилган бўлиб, жорий сиёсат муҳокамаси доирасида муайян стратегик муқобиллик ёки ҳаракат йўналишини тарғиб этади. Қарор қабул қилувчи шахслар, донор ташкилотлар ҳамжамияти, мустақил таҳлилчилар ва ривожланиш соҳасида иш олиб бораётган бошқа манфаатдор томонлар ушбу ҳужжатнинг мақсадли аудиторияси ҳисобланади. Ушбу таҳлилий тавсияномада билдирилган фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, уни БМТТД позицияси ёки сиёсати сифатида қабул қилиш ўринли эмас. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

«Йўл қурилиши: мавжуд вазият ва ушбу соҳада хусусий сектор иштирокини кенгайтириш истиқболлари»

Кириш

Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш лойиҳаларига йўналтирилган йирик инвестициялар иқтисодиёт ва савдонинг ўсишига мультипликатив таъсир кўрсатмоқда. 1970–1980 йилларда Япония, АҚШ ва Канадада транспорт коммуникацияларини ривожлантириш лойиҳаларига киритилган улкан инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатда ўсишини таъминлади. Айни пайтда, кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш транспорт коммуникацияларининг ривожланишига ва юк ташиш ҳажмининг ошишига олиб келмоқда. Масалан, Европа Ҳамжамиятида охириги 10 йилдаги Ялпи Ички Маҳсулотнинг 1 фоизлик реал ўсиши умумий юк ташиш ҳажмининг 1,7 фоизга ортишига олиб келди¹.

Автомобиль йўллари Ўзбекистон иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми айнан автомобиль йўллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, автойўллар орқали ташилган юклар барча ташилган юкларнинг салкам 85 фоизини ва ташилган йўловчиларнинг 95 фоизини ташкил қилмоқда, бу эса автойўлларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин ва аҳамиятга эгаллигини тасдиқлайди.

Автомобиллаштиришнинг юқори суръатда ўсиши бошқа иқтисодий омиллар билан бир қаторда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун қўшимча инвестициялар киритишни тақозо қилади. Жумладан:

- юк ташиш ҳажмининг аста-секин ортиб бораётганлиги – йўллардаги ҳаракат ҳажмининг ҳар йилги ўсиши 0,5 фоиздан 2,5 фоизгачани ташкил қилмоқда;
- аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражасининг ортганлиги (2010 йил ҳолатига кўра ўртача 100 та оилага 27,1 машина тўғри келмоқда);
- 2015–2020 йилларда Ўзбекистон ҳудуди орқали юк транзитининг чамаланган ўсиш суръати йилига 1 млн. тоннани ташкил қилиши мумкин.

Шу муносабат билан, автомобиль йўлларини қуриш, сақлаш ва тасарруф этиш тизимини такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ўзбе-

¹ <http://review.uz/ru/article/45/2>

БМТТДнинг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси

Ўзбекистон, 100029, Тошкент
Т. Шевченко кўчаси, 4

Тел.: (998 71) 120 34 50
(998 71) 120 61 67
Факс: (998 71) 120 34 85

E-mail: policybrief@undp.org
Веб-сайт: www.undp.org

Муаллифлар жамоаси:

Аброр Эшонкулов
Фаррух Карабаев
Жамшид Хамраев
Нарзулло Обломуродов
Хусан Шукуров

кистон миллий автомагистралини қуриш ва қайта таъмирлаш дастури амалга оширилмоқда. 2010 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлашга 412,4 млрд.сўм миқдорида маблағ йўналтирилган. 2011 йилда ушбу мақсадларга 609,8 млрд.сўм миқдорида маблағ ажратиш ва 302 км автойўлни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Айни вақтда кўпгина автойўлларнинг ҳолати қониқарли эмас. Ҳозирги пайтда шаҳарлараро ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг кўплаб участкалари ҳолати қўйилган талабларга жавоб бермайди. Йўл қурилиши соҳасидаги қурилиш-монтаж ишларини молиялаштиришнинг жорий ҳажмлари ўсиб бораётган эҳтиёжни қоплаш учун етарли эмас, шу билан бирга кўпгина ҳолатларда пудрат ташкилотлари томонидан йўл-қурилиш ишларини сифатсиз бажаришга йўл қўйилмоқда. Экспертлар хулосасига кўра, йўл-қурилиш ишларининг сифатли бажарилишини назорат ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш лозим.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, хусусий секторнинг ушбу соҳадаги иштирокини баҳолаш ҳамда рақобат муҳитини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, хусусий сектор маблағларини йўл-қурилиш тармоғига йўналтириш ҳисобига молиялаштиришни жалб қилишнинг янги механизмларини жорий этишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

I. Автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва тасарруф этиш соҳасидаги мавжуд вазият

Сўнгги йиллар мобайнида йўл хўжалиги аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда такомиллаштирилмоқда, йўл саноатининг ишлаб чиқариш ва саноат қувватлари яратилмоқда, автойўлларни қуриш ва қайта таъмирлаш ҳажми оширилмоқда. 2009 йилда Ўзбекистон миллий магистрალი (ЎММ)ни қайта таъмирлаш ва ривожлантиришга оид кенг кўламли дастурни амалга ошириш бошланди, ушбу дастурни 2015 йилгача бўлган давр мобайнида муддатда амалга ошириш режалаштирилмоқда. ЎММ таркибига кирувчи автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2755 километрни ташкил қилади, бу эса халқаро аҳамиятдаги барча йўлларнинг тахминан 70 фоизини ташкил қилади. Мазкур дастур доирасида 13 тонна юк кўтара оладиган транспорт воситалари эркин ҳаракатлана олувчи ва халқаро стандартларга жавоб берувчи тўрт қаторли I-тоифали халқаро автойўлларни қуриш ҳамда уларни қайта таъмирлашни кенгайтириш кўзда тутилган.

1-қўшимча. Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланишдаги автойўлларни таснифлаш

Умумий фойдаланишдаги автойўллар халқаро, давлат ва маҳаллий йўлларга бўлинади:

Халқаро аҳамиятдаги автойўлларга мустақил давлатлар пойтахтларини бири-бири билан боғловчи, шунингдек давлатлараро битимларга кўра халқаро автойўллар тармоғига кирувчи автойўллар киради. Ўзбекистонда халқаро аҳамиятга молик бўлган 11 автойўл мавжуддир. Бундай йўллар қаторига Тошкент-Душанбе (М-34), Тошкент-Ўш (М-373) автойўллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Республиканинг маъмурий, маданий ва саноат марказлари билан вилоятлар ўртасидаги транспорт қатновини, шунингдек мазкур марказларнинг – темир йўл бекатлари, бандаргоҳлар, шунингдек қўшни давлатлар билан транспорт қатновини таъминлайдиган йўллар давлат аҳамиятидаги йўллар сифатида таснифланади. Бундай йўллар сирасига масалан, Фарғона-Андижон, Гулистон-Самарқанд йўллари ва бошқа йўлларни киритиш мумкин.

Шунингдек, маҳаллий аҳамиятга молик йўллар ҳам мавжуд бўлиб, улар республиканинг маъмурий марказлари ва вилоятларни туманларнинг маъмурий марказлари, қишлоқ аҳоли пунктлари билан, шунингдек туманлар марказларини – республика аҳамиятидаги йўллар, темир йўл бекатлари билан боғлайди.

Манба: Ўзбекистон Республикасининг
“Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни, 2007 й.



Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42,6 минг км дан ортиқ бўлиб, унинг ярмидан кўпроғини маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар ташкил қилади. Ҳар йили тахминан 200–250 км йўл қайта таъмирланади, 1500–2000 км йўлларда мукамал ва ўртача таъмирлаш ишлари амалга оширилади. 2009–2010 йилларда Ўзбекистонда 395 км автомобиль йўллари қурилган ва қайта таъмирланган, бу эса бутун республика бўйича мавжуд йўллар умумий узунлигининг 1 фоиздан камроғини ташкил этади². Экспертлар хулосасига кўра, бундай ҳажмнинг етарли эмаслиги кундек равшан ва автойўллар ҳолатини яхшилаш учун йўл қурилиши соҳасида янги ёндашувларни қидириш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда асосий саъй-ҳаракатлар халқаро ва давлат аҳамиятига молик автойўлларга қаратилмоқда. 2010 йилда ЎММнинг 238 км участкасида қурилиш ва қайта таъмирлаш амалга оширилди, бу эса йил давомида бажарилган барча ишларнинг тахминан 67 фоизини ташкил қилади. Буни маблағ мисолида айтадиган бўлсак, 2010 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун 378 млн.АҚШ доллари миқдоридagi маблағ йўнал-тирилган (2009 йилга нисбатан ўсиш 31,5 фоиз). 2011 йилда ЎММга кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлашга 547 млн.АҚШ доллари ажратилмоқда ва 302 км автойўлларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган³.

Ҳозирда Фарғона водийси вилоятларининг (бу ерда мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми яшайди) бутун йил давомида мамлакатнинг бошқа минтақалари билан ишончли транспорт қатновини тўминлаш масаласи Ҳукуматнинг диққат марказида турибди. ЎММ миллий дастурини амалга ошириш доирасида Тошкент-Андижон автомобиль йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтувчи тоғ қисмини қайта таъмирлаш ишларини жадаллаштиришга, бунда цемент-бетон қопламали 4 қаторли йўл қуришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ушбу масаланинг муҳимлиги яна шу билан изоҳланадики, мазкур минтақада ерда юк ташишларнинг бутун ҳажми автомобиль транспорти ҳисобига таъминланади (темир йўл қатнови мавжуд эмас), бу эса автомобиль йўллари учун иш ҳажмини бир неча мартага оширади ва юк ташув қийматининг ошишига олиб келади.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари

№	Автойўллар турлари	Сони	Узунлиги	
			км	% да
1.	Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари	11	3979	9,3%
2.	Давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари	229	14069	33,0%
3.	Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари	1802	24606	57,7%
Жами:		2042	42654	100%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги 169-сонли Қарори билан тасдиқланган Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатида мувофиқ ҳолда тузилган.

Айни пайтда ички республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларига (маҳаллий аҳамиятдаги йўллар, шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларининг йўллари ва кўчаларига) эътиборни қаратиш зарур, зеро улар ҳозирда катта саволларни келтириб чиқармоқда. Амалдаги тартибга кўра, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини қуриш, қайта таъмирлаш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади⁴. Амалда эса маҳаллий ҳокимият идоралари молиявий маблағларнинг етарли эмаслиги, қурилиш техникаси билан жиҳозланиш даражасининг пастлиги ва малакали кадрларнинг четга кетиб қолишлари туфайли ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни уддалай олмаяптилар.

² Дороги Узбекистана в цифрах и фактах, "Сегодня" газетаси, 60-сон, 2011 йил 25 июль

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил учун энг муҳим устувор йўналишлар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги маърузаси.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта таъмирлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли Қарори;

Амалдаги тартибга мувофиқ, Республика Йўл жамғармаси (РЙЖ), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати, “Ўзавтойўл” ДАК ва унинг ҳудудий бўлинмалари умумий фойдаланишдаги автойўлларда амалга ошириладиган ишларнинг буюртмачиси сифатида иш олиб борадилар⁵. РЙЖ халқаро ва давлат аҳамиятидаги автойўлларда амалга ошириладиган йўл қурилиши ишларининг буюртмачи сифатида чиқади, айна пайтда вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати маҳаллий аҳамиятдаги йўлларда амалга ошириладиган ана шундай ишлар учун масъулдирлар.

Шунингдек, буюртмачилар зиммасига бажарилган ишлар учун техник назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишларни назорат қилиш ва қабул қилиб олишда буюртмачилар лойиҳа-смета ҳужжатлари кўрсаткичларига риоя қилишлари ҳамда уларнинг ҳақиқатда бир-бирига мос келишига эътибор беришлари зарур. Айрим ҳолларда ишлар ихтисослашмаган йўл ташкилотлари томонидан бажарилади, бу эса ишларнинг жуда паст сифатда бажарилишига олиб келади. Бажарилаётган ишлар устидан зарур назорат ва мониторингни таъминлаш мақсадида йўл-қурилиш ишлари устидан техник назоратни амалга ошириш вазифасини мустақил идорага бериш имконини кўриш чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, қайта таъмирлаш ва таъмирлаш бўйича буюртмачилар вазифалари


Вазифалар	РЙЖ	Ҳокимликлар ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати	ДАК «Ўзавтойўл»
Халқаро ва давлат аҳамиятидаги автойўллар объектларига оид лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов асосидаги савдоларни ташкил этиш	√		
Маҳаллий аҳамиятдаги автойўллар объектларига доир танлов (тендер) савдоларини ўтказиш		√	
Танлов (тендер) савдолари ғолиблари билан шартномалар имзолаш	√	√	
Техник назоратни амалга ошириш	√	√	
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш			√

Умумий фойдаланишдаги автойўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш мазкур йўллар тасарруфида бўлган “Ўзавтойўл” ДАК бўлинмалари томонидан таъминланади. Ушбу ишлар РЙЖ маблағлари ҳисобига ҳамда “Ўзавтойўл” ДАК томонидан жамғарма билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади⁶. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, муайян ҳолатларда автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш соҳасида бажарилаётган ишлар сифатини зарур даражада назорат қилиш таъминланмаяпти. Эҳтимол, бажарилаётган ишлар сифати устидан “Ўзавтойўл” ДАК бўлинмаларининг масъулиятини ошириш имконини берувчи қандайдир янги механизмларни кўриб чиқиш лозимдир (масалан, автойўлларни сақлаш ҳуқуқини танлов асосида бериш).

Йўллар бўйидаги инфратузилма ва сервис (мотеллар, кемпинглар, АЁҚШ, ТХКШ (Техник хизмат кўрсатиш шохобчаси) ва бошқа объектлар) ҳолати ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, йўлларнинг кўпгина участкаларида сервис объектларининг сони меъёрий кўрсаткичлардан бир неча бор кўпдир. Масалан, Тошкентдан Бухорога элтувчи йўл бўйида йўлнинг ўртача ҳар 1,5 км қисмига битта хизмат кўрсатиш объекти тўғри келади, йўлнинг 10 км масофадаги айрим участкаларида эса баъзан 30 тагача овқатланиш шохобчалари мавжуд. Буларнинг барчаси ҳаракат хавфсизлигига ва қатнов тезлигига таъсир қилади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл-қурилиш ишларининг ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўлларини қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2006 йил 3 мартдаги ПҚ-299-сонли Қарори.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли қарори.



2-қўшимча. Депутатлар йўл қурилиши идораларининг фаолиятини қониқарсиз деб баҳоладилар

2011 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзавтойўл” ДАК томонидан Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг ижро этилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Унда бу борада қуйидаги қатор камчиликлар мавжудлиги қайд этилди:

- Лойиҳалаштириш соҳасидаги меъёр ва стандартларга тўлиқ ҳажмда риоя қилинмаяпти;
- Автойўлларни қуриш, қайта таъмирлаш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан зарур назорат таъминланмаяпти;
- Умумий фойдаланишдаги автойўлларнинг давлат кадастри юритилмаяпти;
- Минтақаларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилмаган;
- Аҳоли пунктлари кўчаларини лойиҳалаштириш соҳасида меъёр ва стандартлар мавжуд эмас;
- Айрим ҳолатларда ишлар ихтисослашмаган йўл ташкилотлари томонидан бажарилмоқда, бу эса натижада ишларнинг паст сифатда бажарилишига олиб келмоқда;
- Йўл қурилиши, йўлларга ҳамда магистралларга хизмат кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Ўрганиш натижаларига кўра “Ўзавтойўл” ДАК тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг ижро этилиши қониқарсиз деб топилди.

Манба: <http://www.uzdaily.uz/LWTPZ/articles-id-6693.htm>

Йўловчиларга зарур бўлган барча хизматлар турларини (тиббиёт шохобчалари ва дорихоналар, кемпинглар ва мотеллар, телефон станциялари, йўлга қаровни амалга ошириш хизматлари ва ҳ.к.) кўрсатишга қодир бўлган комплекс хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд эмас. Қатор объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларига риоя қилмасдан қурилган ва қурилишда давом этмоқда, кўпгина биноларнинг ташқи кўриниши жуда ёмон ва улар автойўллар бўйидаги қурилишларнинг архитектура қиёфасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айрим хизмат кўрсатиш объектларининг техник талабларга зид равишда қурилиши йўл ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, машиналарнинг кириши-чиқиши учун ўтиш-тезликда ҳаракатланиш қаторлари ва йўлдан ташқарида автотранспортни қўйиш учун автотураржойлар мавжуд эмас. Хизмат кўрсатиш объектларининг йўлнинг фақат бир томонида жойлашуви ҳайдовчиларни сервис объектига кириш учун номақбул бурилишларни амалга оширишларига, йўловчилар ва ҳайдовчиларнинг йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойи белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишларига мажбур қилмоқда. Бунинг оқибатида транзит қатновига халақит берилмоқда, қатнов тезлиги пасаймоқда, йўл-транспорт ҳодисаларини содир этиш эҳтимоли ортмоқда.

3-жадвал. Йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантиришдаги айрим муаммолар

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси	Йўл хавфсизлиги
<ul style="list-style-type: none"> • Объектлар ҳолати санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига жавоб бермайди; • Махсус кутқарув, тиббий ва техникавий ёрдам кўрсатиш хизматлари мавжуд эмас; • Йўл-таъмирлаш шохобчаларини жиҳозлаш даражасин замонавий талабларга мос эмас; • Хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларига хилоф тарзда олиб борилади. 	<ul style="list-style-type: none"> • Хизмат кўрсатиш объектларининг бевосита йўлга яқин жойлашганлиги туфайли йўл-транспорт ҳодисаларини содир этиш эҳтимоли юқори; • Ўтиш-тез ҳаракатланиш қаторлари мавжуд эмас; Отсутствие переходно-скоростных полос; • Автотранспортни қўйиш учун йўлдан ташқарида автотураржойлар йўқ; • Хизмат кўрсатиш ҳудудида ва автотураржойларда, йўлнинг йўл-транспорт ҳодисаси юз бериш эҳтимоли юқори бўлган участкаларида чироқлар йўқ.


II. Йўл қурилиши соҳасида хусусий секторнинг иштироки

2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон йўл қурилиши соҳасида сезиларли ислохотлар кузатилмоқда. Амалга оширилган ислохотлар натижасида ихтисослаштирилган тузилмани (РЙЖ) ташкил этиш йўли билан тармоққа эксплуатация маблағларининг барқарор оқиб келишини таъминлашга, йўл-қурилиш ишларини бажариш учун савдолар (тендерлар) ўтказишнинг нисбатан шаффоф тизимини жорий этишга эришилди. “Узавтойўл” ДАКнинг фаолият кўрсатаётган корхоналари негизида ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари ҳамда автомобиль йўллари ва кўприклар таркибини сақлаш бўйича ихтисослаштирилган таъмирлаш-эксплуатация корхоналари ташкил этилди.

Умуман олганда қонунчиликда йўл ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларини танлов асосида танлаб олиш (тендер) механизми кўзда тутилган. Бироқ амалиётда, қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштиришнинг асосий ҳажмлари пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида (Ҳукуматнинг алоҳида қарорларига мувофиқ) ажратилмоқда. 2009 йилда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ажратилган маблағлар ҳажми бутун йўл ишлари ҳажмининг 65 фоизига етди. Ана шундай тамойил 2010 йилда ҳам давом этди. 2010 йилнинг 9 ойига оид маълумотларга кўра тўғридан-тўғри шартномалар асосида молиялаштириш ҳажми умумий ҳажмнинг 86 фоизини ташкил қилган, бу эса рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтиришда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Аҳвол шундай бўлган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва унга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида” 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли Қарорининг қабул қилинганлиги ижобий қадам бўлди. Ушбу ҳужжатда қиймати 500 млн.сўмгача бўлган объектларда қурилиш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотларини танлаб олиш фақат кичик бизнес субъектлари (хусусий сектор) ўртасида ўтказилиши кўзда тутилган. 2011 йилда йўл хўжалиги соҳаси объектларидаги мукамал ва ўртача таъмирлаш ишлари умумий қийматининг салкам 40 фоизи хусусий бизнес ҳиссасига тўғри келиши кутилмоқда.

1-диаграмма. Шартномалар турларига қараб йўл-қурилиш ишларини молиялаштириш



3-қўшимча. Германияда йўл-қурилиш ишларини молиялаштириш механизмлари

ГФР Ҳукумати федерал автомагистраллар: йўллар (Bundesstrassen) ва шосселарнинг (Bundesautobahnen) эгаси бўлиб, у йўл тармоғининг кенгайтирилиши ва унга хизмат кўрсатилиши учун масъул ҳисобланади. Автобанлар ва катта тезликда ҳаракатланиш мумкин бўлган автотрассаларни сақлаш харажатлари федерал бюджет томонидан қопланади. Қолган барча автомобиль йўллари минтақавий бюджетлар маблағлари ҳисобига қурилади ва сақланади.

Германияда йўл қурилиши кўпроқ бюджет ҳисобидан амалга оширилади, бироқ давлат-хусусий ҳамкорликнинг турли шакллари борган сайин фаол жорий этиб борилмоқда. Янги йўллар қурилиши учун концессия режими кўзда тутилган

Бу ҳолда хусусий қурилиш компаниялари молиялаштириш учун маблағларни мустақил равишда жалб қиладилар, уларнинг сарфлаган маблағлари эса лойиҳа ниҳоясига етказилганидан кейин 15 йил мобайнида давлат томонидан қоплаб берилади.

Мавжуд йўлларни кенгайтириш учун A-Model деб аталадиган модель жорий этилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, қурилиш учун зарур бўлган умумий маблағларнинг 50 фоизгача бўлган қисмини давлат тақдим этади. Концессионер харажатларининг қолган қисми эса мазкур йўллардан оғир юк машиналарини (12

тоннадан ортиқ юк ортилган машиналар) ўтказишдан олинган фойдани қайта тақсимлаш йўли билан қопланади. А-Model доирасида концессионернинг мажбуриятлари йўлни лойиҳалаштириш, қуриш, бошқариш ва унга хизмат кўрсатишдан иборат. Шартнома муддати – 30 йил.

Кўприклар ва тоннеллар қурилишида ана шундай F-Model қўлланилади. Концессионер молиялаштириш учун маблағ жалб қилади, объектни қуради ва сунгра унга хизмат кўрсатади. У ўз харажатларини барча транспорт воситаларидан ўтиш учун ҳақ ундириш орқали тўғридан-тўғри қоплайди. Шартнома муддати – 30 йил.


Сўнги йилларда йўл хўжалиги соҳасида хусусий фирмалар иштирокини кенгайтириш тамойили кузатилмоқда. Хусусан, РИЖ томонидан ўтказилаётган тендерларда қатнашаётган хусусий компаниялар сони аста-секин ортиб бормоқда.

2008 йилда тендерларда иштирок этган давлат компаниялари сони 61 тани ташкил қилгани ҳолда хусусий компаниялар сони 23 тани ташкил этди. 2010 йилнинг 9 ойи давомида тендерларда иштирок этаётган хусусий фирмалар сони 31 тага етди. Хусусий корхоналар бош пудратчи сифатида иш олиб бораётган объектлар сони 2009 йилда мукамал ва ўртача таъмирлаш объектлари умумий қийматининг 15 фоизидан, 2010 йилда эса 25 фоизидан ортиқ бўлди. Шу билан бир вақтда хусусий секторнинг йўллар қуриш ва қайта таъмирлаш соҳасидаги иштирок этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Танлов савдоларида иштирок этиши мумкин бўлган хусусий корхоналар сони бўйича расман ҳеч қандай чеклов йўқ. Бироқ бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмининг катталиги, шунингдек тегишли ускуна/техникаларининг йўқлиги туфайли хусусий фирмалар давлат корхоналари билан рақобатда мағлуб бўлмоқдалар.

Экспертлар фикрига кўра, инфратузилма хизматлари сифатини ошириш ва қўшимча инвестицияларни жалб қилиш борасида хусусий сектор имкониятларидан ҳали ҳамон етарлича фойдаланилмапти. Қонунчиликни таҳлил қилиш ва жорий амалиёт асосида, қуйидаги муҳим масалаларга эътиборни қаратамизки, уларнинг ҳал этилиши хусусий сектор корхоналарининг автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш соҳасидаги иштирокини кенгайтириш имконини беради.

1. Йўл-қурилиш соҳасида рақобатни ривожлантириш. Бугунги кунда автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бозори юқори даражада бир жойга жамланганлигича қолмоқда. “Ўзавтойўл” ДАК таркибига кирувчи корхоналар маҳаллий бозорларда (республика вилоятлари ва туманларида) яққаҳукмрон ҳисобланадилар. Шаҳарлар ва маҳаллий (туман, шаҳар) аҳамиятдаги бошқа аҳоли пунктларида кўчаларни таъмирлаш асосан “Ўзавтойўл” ДАКнинг ҳудудий ва туман бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда. Чамаланган маълумотларга кўра, йўл қурилиши бўйича бутун ишлар ҳажмининг салкам 90 фоизи “Ўзавтойўл” ДАК бўлинмалари томонидан бажарилмоқда. Хусусий тадбиркорларнинг ушбу бозордаги иштироки уларнинг моддий-техника базаси ривожланмаганлиги, молиявий имкониятларининг чегараланганлиги ва йирик ва мураккаб лойиҳаларни бажариш борасида тажрибаларининг йўқлиги туфайли тўхтаб турибди. Кўпгина хусусий фирмалар асосан субпудрат шартномалари асосида айрим хизматларни кўрсатмоқдалар, чунки фақат чекланган сонли хусусий компанияларгина РИЖ талаб этаётган барча турдаги ишларни бажара олишлари, йирик лойиҳаларни тўла-тўқис бажариб, фойдаланишларга топшира олишлари мумкин.

2. Йўл-қурилиш ишларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш. Шаҳарлар, туманлар марказлари ҳамда бошқа аҳоли пунктларидаги автомобиль йўллари, шунингдек хўжалик ва хўжаликлараро автомобиль йўлларининг жорий ҳолати қониқарсиз аҳволда. Бу биринчи навбатда, йўл қурилиши, таъмирлаш ва улардан фойдаланишни амалга ошириш учун моддий ресурсларнинг етарли эмаслиги (фақат маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади), шунингдек йўлни тасарруф этиш корхоналарининг паст даражада жиҳозланганлиги билан боғлиқдир.



4-қўшимча. Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги пуллик йўллар дегаки эмас

Тўловларни йўлдан фойдаланиш даражасига қараб амалга ошириш тизими молиялаштиришнинг истиқболли усули ҳисобланади, бу **яширин тўловлар тизими (shadow tolls)** сифатида кўпроқ танилган бўлиб, бунда фойдаланувчилар йўлдан ўтганлик учун бевосита ҳақ тўламайдилар.


Ҳукумат органи қурилишни амалга оширувчи ташкилот билан миқдори олдиндан қатъий белгилаб қўйилган суммани (ҳаракат серқатновлиги ва йўлнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда) ҳар йили тўлаб туриш кўзда тутилган шартнома тузади, бу маблағни қурилиш ташкилоти қарзларни тўлашга ва фойдани таъминлаш учун акциядорлик капиталига йўналтириши мумкин. Ҳозирда бундай ёндашув Италия, Испания, Португалия, Венгрия, Руминия ва Буюк Британияда қабул қилинган.

Йўл-қурилиш ишларини фақат ажратилаётган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бутун автомобиль йўллари тармоғини қайта тиклаш муаммосини ҳал қила олмайди. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда автомобиль йўлларига инвестиция киритиш ҳажми сезиларли даражада ўсиб бормоқда – буни айниқса Жанубий Америка, Осиё ва Европа мисолида яққол кўриш мумкин. Кўпгина мамлакатлар молиялаштириш масаласини давлат-хусусий корхона ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини қўллаш орқали хусусий сектор маблағларини жалб қилиш ҳисобига ҳал қилмоқдалар. Масалан, қатор Европа мамлакатларида (Италия, Испания ва Португалия) йўл-қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқини қўлга киритган хусусий корхоналарга автомобиль йўлларини 10 йил давомида тасарруф этиш имконияти берилади. Ўз навбатида, мазкур ўзаро ҳамкорлик схемаси хусусий секторга автомобиль йўли участкасини қуриш ва уни тасарруф этишда давлат томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам ҳисобига ва айти пайтда йўл бўйи инфратузилмасига кирувчи йўл бўйи объектларини барпо этиш ва тасарруф этишдаги мутлақ ҳуқуқи асосида йўл бўйи хизматларини кўрсатишдан ҳам фойда олиш имконини беради.

Кўпгина бошқа мамлакатларда (жумладан, Франция, Исроил, Корея, Япония, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Чили) хусусий фирмаларга йўл ишларини “Қуриш-Фойдаланиш-Топшириш” тамойили асосида бажариш имкони берилади. Бу шуни англатадики, хусусий корхоналар муқобил йўл участкаларини қуриш учун ўз хусусий маблағларини сарфлайдилар ва сўнгра мазкур йўлни муайян вақт давомида (одатда камида 15 йил) тасарруф этадилар ҳамда шартномада кўрсатилган муддат ниҳоясига етиши билан объектни давлат балансига топширадилар. Бу хусусий секторнинг инвестицион маблағларини жалб қилиш имконини беради, хусусий операторнинг йўл-қурилиш ишларини давлат органи талабларига мувофиқ ҳолда сифатли бажаришдан манфаатдорлигини оширади, шунингдек йўлларнинг юқори даражада сақланишини ҳамда ушбу йўлдан фойдаланаётган машина ва йўловчилар сонини ошириш мақсадида йўловчилар ва ҳайдовчилар учун қўшимча шарт-шариотлар яратилишини таъминлайди

Ўзбекистонда шу каби механизмларни жорий қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга йўл қурилишига ва у билан боғлиқ лойиҳаларга маблағ киритаётган хўжалик субъектларининг давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларини ҳал этиш имконини берувчи ўзгартишлар киритиш талаб этилади.

3. Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун тендерлар ўтказиш, ишлар қийматини баҳолаш ва шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш. Қонунчиликка мувофиқ, йирик лойиҳаларни (50 минг АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган) бажаришга оид шартномаларни тузиш тендер савдолари натижалари асосида амалга оширилади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина хусусий корхоналар ўзларига боғлиқ бўлмаган қатор сабаблар, шу жумладан тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш муддатининг чегараланганлиги, қисқа муддатда банк кафиллигини олиб бўлмаслиги туфайли бундай тендерларда иштирок этиш имкониятига эга эмаслар. Танлов асосидаги савдоларни ўтказиш муддати одатда 30 календарь кунини ташкил қилади, бу баъзан офертачилар учун



етарли бўлмай қолади. Танлов асосидаги савдолар ўтказилиши ҳақида анча олдиндан маълум қилиш амалиёти мавжуд эмас. Тендар савдоларида пудратчилардан танлов асосида савдога қўйилган лойиҳа қийматининг камида 20 фоизига тенг миқдорда банк кафиллигини тақдим қилиш талаб этилади. Шу билан бирга мазкур топшириқ юқори турувчи банк (республика банки) томонидан тасдиқланиши лозим, бу эса ҳужжатни келишиш ва расмийлаштириш учун қўшимча вақт талаб этади.

Хулоса ва таклифлар


Юқорида баён этилган таҳлилни ҳисобга олган ҳолда, автойўллارни қуриш, таъмирлаш ва тасарруф этиш соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ва қоидаларни янада такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф қилинмоқда:

1. Автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва тасарруф этиш соҳасида рақобатни ривожлантириш ҳамда бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокига оид меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш:

- хусусий сектор маблағларини инфратузилма лойиҳаларига жалб қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи “Давлат-хусусий корхоналар ҳамкорлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда амалдаги қонунларга (шу жумладан, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”ги қонунларга ва ҳ.к.) ўзгартиш ва қўшинчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги Қонунининг автомобиль йўллари давлат билан хусусий инвестор ўртасидаги концессия шартномаси объектлари қаторига киритиш ва концессия шартномасининг энг кўп амал қилиш муддатини 15 йилдан 30 йилгача оширишга оид қисмига ўзгартишлар киритиш;
- Концессия битимлари асосида йўллар қуриш лойиҳаларига хусусий инвесторлар маблағларини жалб қилиш жараёнини тартибга солувчи меъёрий (қонун ости) ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Турли давлат органлари ва идораларининг масъулиятини аниқлаштириш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва маҳаллий давлат органларининг ваколатларини мустаҳкамлаш мақсадида йўл қурилиши соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганиш.

2. Йўл хўжалиги соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, рақобатни ривожлантириш ва хусусий корхоналар салоҳиятини мустаҳкамлаш:

- Йўл-қурилиш ишларининг бажарилиши устидан техникавий назоратни амалга ошириш вазифасини буюртмачилардан (РЙЖ ва ҳокимликлар ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати) олиб мустақил идорага бериш. Бу йўл-қурилиш ишларининг бажарилиши устидан зарур назорат ва самарали мониторингни таъминлаш имконини беради. Бундай назорат тизими кўплаб мамлакатларда жорий этилган бўлиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.
- Йўлларни тасарруф этиш учун пудратчи ташкилотларни танлов асосида саралаб олиш механизмининг жорий этиш йўли билан автомобиль йўлларида фойдаланишнинг зарур сифатини иқтисодий рағбатлантириш чораларини кўриш. Мазкур чора ушбу бозорга хусусий сектор субъектларининг кириб келишига имкон беради ҳамда “Ўзавтоўл” ДАК бўлинмаларининг умумий фойдаланишдаги автойўллари сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари сифати устидан масъулиятини оширади.
- Иختисослаштирилган қурилиш техникасини четдан олиб киришда божхона ва солиқ имтиёзлари бериш, узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар ажратиш йўли билан йўл хўжалигининг нодавлат корхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун рағбатлар яратиш.



3. Давлат-хусусий корхоналар ҳамкорлиги механизмларини жорий этиш ҳамда йўл хўжалиги соҳасида хусусий корхоналар иштирокини кенгайтириш:

- Халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллارни қуриш ҳамда қайта таъмирлашни амалга ошириш учун концессия битими механизмини жорий этиш. Ушбу механизм доирасида давлат инвестиция лойиҳаси қийматининг муайян қисмини қоплаш учун хусусий инвесторлар-концессионерларни жалб қилди, бунда қоплаш шартлари шартномада алоҳида белгилаб қўйилади (масалан, инвесторларга муайян вақт мобайнида автйўллارни тасарруф этиш ва сақлаш ҳуқуқини, йўл бўйи инфратузилмаси объектларини қуриш ва уларни бошқариш ҳуқуқини бериш ва ҳ.к.);
- Автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажараётган пудрат ташкилотларига (шу жумладан, кичик ва хусусий бизнес корхоналарига) камида 3 йил давомида автомобиль йўллари (биринчи навбатда, шаҳарлар, туманлар марказлари ва бошқа аҳоли пунктлари йўллари) тасарруф этиш ва сақлаб туриш вазифасини бериш амалиётини жорий этиш ;
- Умумий фойдаланишдаги автйўллارни қуриш, қайта таъмирлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида саралаш механизмини қўллаш. Тўғридан-тўғри шартномалар асосида (танлов савдоларини ўтказмасдан) пудрат ташкилотларига ажратиладиган молиялаштириш ҳажмининг энг юқори миқдорига нисбатан унинг бутун йиллик молиялаштириш ҳажмининг 25 фоиздан ортиқ бўлмаслигини кўзда тутувчи лимит белгилаш.

4. Тендер ўтказиш тартиби ва нархни белгилаш механизмларини такомиллаштириш

- Йўл хўжалиги объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилиши ҳақида танлов асосидаги савдолар эълон қилингунга қадар олдиндан (танловда қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш бошланишидан камида 15 иш куни олдин) оммавий ахборот воситаларида хабар бериш амалиётини жорий этиш;
- Хўжалик субъектлари – пудрат ташкилотларининг йўл қурилиши объектларида бажариладиган ишлар учун оборот маблағлари ажратиш (танлов савдоларига қўйилган лойиҳанинг камида 20 фоизи миқдорига) юзасидан кафиллик бериш тўғрисидаги буюртмаларини банклар томонидан кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш.
- Давлат идораларининг Интернетдаги сайтларида эълонлар бериш, тендер комиссиялари таркибига жамоатчилик (маҳалла, ННТ, мустақил экспертлар ва ҳ.к.) вакиллари киритиш ва комиссиялар қарорлари устидан хўжалик судларига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш ҳисобига танлов савдолари (тендер) ўтказиш шаффофлигини ошириш.



Uzbekistan

БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тармоғи бўлиб, ўз олдида аъзо давлатларга билим, тажриба ва маблағ манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар яшаш мақсадини қўйган. Биз 166 мамлакатда фаолият юритамиз; ушбу мамлакатларга ривожланишга оид глобал ва миллий муаммоларнинг ечимини топишларига кўмаклашамиз. Мамлакатлар ўзларининг салоҳиятларини ривожлантириш жараёнида БМТТД ходимлари ва кенг доирадаги ҳамкорларнинг тажриба ҳамда билимларидан фойдаланадилар.